



НОВАБРЬ

1 НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?



1. Ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати кенгайтирилади.



2. «Коробка» ҳолатидаги уй-жойлар учун субсидия ажратила бошланади.



3. Шифокорларга эҳтиж мавжуд ҳудудларда талабалар ишга олинади.



4. Кўп квартирали уйлarning умумий мулки ҳудудда кўшимча объект куриш тақиқланади.



5. Никоҳ тузиш учун аризалар эксперимент тарихида ДХМ орқали қабул қилинади.



6. Ёшларга компьютер хариди учун 7,5 миллион сўмга истеъмол кредити берилди.



7. Томорқа ер эгаларини касаначилик билан банд қилган тадбиркорларга субсидия берилди.



8. Ҳайдовчиларга бериладиган tibбий маълумотларнинг электрон базаси шакллантирилади.



9. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувлар ахборот тизимида рўйхатга олинади.



10. Мобиль алоқа операторлари, тижорат банклари ҳамда тўлов тизимлари операторларига электрон давлат хизматларини кўрсатишга рухсат берилди.

Андижон вилояти

«Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятига!

«БИР ҚЎШЧИГА ЮЗ БОШЧИ»

Дам олиш кунлари электр энергиясининг ўчиши бўйича маълумот олиш учун «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятининг 1154 қисқа рақамига сим қоқишга тўғри келди. Мурожаатни қайд этган ходимнинг арз-шикоятни тинглаб, муаммони ҳал қиладиган масъулларга йўналтириши учун бор-йўғи 1 дақиқа-ю 40 сония кифоя қилди, холос. Хуллас, пули тугаб ўчган, тўлов қилинса-да, салкам уч соатдирки ёнмаётган (!) замонавий ҳисоблагич масъул ходим билан мулоқотдан сўнг 5 дақиқа ўтар-ўтмас ишлаб кетди. Шунисиғаям раҳмат!

Аммо... ходим телефон гўшагини кўтаргунга қадар нақ 18 дақиқа кутишга тўғри келди. Табиийки, бу муддат иродаси мустаҳкам, сабр-тоқатли унча-мунча мурожаатгўйнинг ҳам қон босимини ошириб юборади. Хуллас, «Тартиб рақамингиз 9» деб бошланган кутиш жараёни тахминан 8 дақиқалар давом этди. Ниҳоят, нариги тарафдан «Қулгимиз сизда» деган садо келди. Мурожаат муаллифи Андижондан экани маълум қилинганча, оператор «Кутиб туринг, ҳозир улайман», дея кўнғирокни вилоятга йўналтирди. Қарангки, бу гал ҳам тартиб рақами 9 экан. Қисқаси, яна 10 дақиқадан кейингина масъул ходимнинг умидбахш овози эшитилди.

«Баъзан шунақаси ҳам бўлади-да», деган тасалли билан эртасига синамоқ учун яна 1154 га кўнғирок қилиб кўрдик. Қисқа гудокдан сўнг «Тартиб рақамингиз 14» деган товуш қулоққа чалинди...

Ҳаво совиб, қиш-қировли кунлар яқинлашгани сайин электр тармоқлари тизимида иш ҳажми ортиши турган гап. Бу ҳол то кўламга қадар давом этиши ҳам сир эмас. Таъминотдаги узиллишлар, ҳисоблагичнинг тўлов қилинган ҳам вақтида ёнмаслиги, фавқулодда авариялар... қўйингки, кимнинг нима саволи бўлса, дарҳол ҳудуд-

лардаги электр корхоналарига ёки 1154 га боғланиш пайдан бўлади. Бундай катта юклама кўнғирокларга бетўхтов жавоб бериб ўтирган диспетчерларни-да ишдан бездириши бор гап.


Ҳолатдан келиб чиқиб, айни шу юмушга бириктирилган ходимлар сонини кўпайтириш мумкинми? Жилла курса, куз-қиш ойларида. Тушунамиз, штат бирлигини ошириб, янги ходимларни ишга қабул қилиш масаласи осон иш эмас. Аммо мавжуд ички имкониятлардан фойдаланилса бўлар?

Кузатувларимизга кўра, электр тармоқлари тизими раҳбар-кадрлари жуда кўп соҳалардан бири. Вилоятлардаги худудий корхоналарда бош директорнинг қатор-қатор ўринбосарларидан ташқари, ўнлаб бўлим бошлиқлари фаолият кўрсатади. Бу эса беихтиёр халқнинг «Бир қўшчига юз бошчи» нақлини ёдга солади. Яшириб нима қилдик, ҳар қайси соҳада юкнинг энг оғири қўйи поғонадаги оддий ходимларга тушади. Гапнинг индаллоси шуки, бошқарувчи мутахассислар қисқарттирилиб, бевосита иш бажариладиган, жумладан, мурожаатлар билан шуғулланадиган ходимлар сони кўпайтирилса, тизимда фойдали иш коэффициенти орттиришга ишбуха йўқ.

Ана шунда муаммо юзасидан сим қоққан истеъмолчининг ҳам асаблари таранглашиб, 15-20 дақиқалаб жавоб кутишига ҳолат қолмасмиди.

Ёки бунинг иложи йўқми?

Нурилло НЎЪМОНОВ «ISHONCH»



Усулни ўзгартириб, истеъмолчиларга қулайлик яратиш мумкинми?

Хоразм вилояти

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмаси Хоразм вилояти бирлашган қўмитаси томонидан «Касба уюшмаларида ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизоми ҳамда касба уюшма аъзолик бадалларининг харажатлар сметаси бўйича тақсимлини» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

Ўқув-семинар

ҲУЖЖАТЛАР ЖОЙИДАМИ?



Мақсад бошланғич касба уюшма ташкилотлари раислари ва фаолларининг билимини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда маданият, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши ижроия қўмитаси қарорлари ижросини таъминлашга қаратилган мазкур тадбирлар ҳар бир шаҳар ва туманда ҳам ўтказилди.

Анжуманда касба уюшма қўмитаси раисларига касба уюшма ташкилотлари фаолиятини режалаштириш, ижро интизоми, ҳужжатлар билан ишлаш, қўмита ва умумий йиғилиш баёнларини расмийлаштириш ва уларни рақамлаш, келган ва чиққан ҳужжатларни рўйхатга олиш, мурожаатлар билан ишлаш, шунингдек, касба уюшма аъзолик бадалларини харажатлар сметаси бўйича тақсимлаш тўғрисидаги масалаларда услубий тушунчалар берилди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволлар юзасидан етарлича жавоб олдилар.

Алишер САЛАЕВ, Маданият, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмаси Хоразм вилояти бирлашган қўмитаси раиси

Фарғона вилояти

Касба уюшма аралашгач...

ҚЎШИМЧА ТЎЛОВЛАР ТЎЛАБ БЕРИЛДИ

Фарғона шаҳар мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 55-сонли кўп тармоқли ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим ташкилоти дефектолог Лола Маҳкамова салкам бир йилдан буён иккинчи малака тоифаси учун тўланиши лозим бўлган қўшимча тўловлар тўланмай келинаётганидан норози бўлиб, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашига мурожаат қилди.

Маълум бўлишича, Л.Маҳкамова 2012 йилда қайта тайёрлаш таълим муассасида ўқиган. 2016 ва 2018 йилларда ҳам дефектолог ўқув курслари бўйича малака ошириш курслари сертификатини, 2021 йил 24 сентябрда эса дефектология бўйича педагог кадрнинг аттестациядан ўтгани тўғрисида иккинчи малака тоифасини олган.

Мактабгача таълим вазирининг 2022 йил 24 майдаги 123-сонли (аввалги 2021 йил 23 августдаги 162-сонли) буйруғи 1-илловасида малака тоифасини олган педагог ходимларга базавий тариф ставкасида белгиланган миқдорда қўшимча ҳақ тўлаш назарда тутилган. Шундай бўлса-да, Л.Маҳкамовага 2021 йилнинг 24 сентябридан 2022 йилнинг июнигача иккинчи

малака тоифаси учун иш ҳақига қўшимча тўловлар тўлаб берилмаган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сонли қарори 3-бандига асосан 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари ёрдамчилари, шунингдек, қўшма типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги ўқитувчи жисмоний ёки руҳий нуқсонлар бўлган болаларга мўлжалланган гуруҳларда ишлайдиган тарбиячилар, педагог ходимлар ва тиббиёт ходимлари ёрдамчиларининг лавозим маошлари ва базавий тариф ставкаларига 100 фоиз миқдорда қўшимча ҳақ тўланиши белгиланган. Яъни, юқоридаги қарор бандига асосан,



Лола Маҳкамовага 2 миллион 998 минг сўм тўланиши керак эди.

Меҳнат кодексининг 9-моддаси ҳамда «Касба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасига асосан Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Суднинг ҳал қилув қарори билан Фарғона шаҳар мактаб-

гача таълим бўлими томонидан Лола Маҳкамовага иккинчи малака тоифаси учун жами 2 миллион 998 минг сўм қўшимча тўлов ҳамда маънавий зарар ходимнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Авазхон ТўРАХЎЖАЕВ, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши бош юриконсулти


КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ...



АҒДАРИЛГАН ЧУМОЛИ ВА ХОТИНБОЗ ХЎРОЗ



АҒСОНаВИЙ ГУША ҲАЙРАТЛАРИ



ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИРЛАР СЕҲРИ

**Навоий вилояти**

## Мурожаатларга эътибор қандай?

Жорий йилнинг 10 ойи давомида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгашига жойлардан 180 га яқин турли мазмундаги мурожаатлар келиб тушган.

Уларнинг 15 таси сабабсиз ишдан бўшатиш, 26 таси турли баҳоналар билан иш ҳақларининг вақтида берилмаслиги, 14 таси соғломлаштириш ва турли дам олиш масканларига берилмаган йўлланмалар доирасидаги муаммолар, 5 таси иш жараёнида юз берган бахтсиз ҳодисалар билан боғлиқ. Қолган мурожаатлар ҳам бевосита иш берувчи билан меҳнаткашлар ўртасида келиб чиққан зиддиятлар ва келишмовчиликлар ҳусусида.

Мазкур мурожаатлар кенгашининг ҳуқуқшунослари, мутахассислари томонидан синчковлик билан ўрганилди. Жойларда фаолият юритаётган фуқаролик судларига 12 та даъво аризаси киритилиб, фуқаролар фойдасига иш берувчилар ҳисобидан 68 миллион сўм миқдордаги моддий ва маънавий зарар ундириб берилди.

Сайё-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, турли корхона ва ташкилотларга, нодавлат, нотижорат муассасаларига, хусусий секторларга киритилган тақдимномаларга биноан меҳнаткашларга ўз вақтида берилмаган 71 миллион 750 минг сўмлик иш ҳақлари тўлаб беришга эришилди. Шунингдек, ёзма мурожаатларнинг 49 таси жойида ўрганилиб мурожаатчиларнинг шикоятлари қонун доирасида ижобий ҳал қилинди. 66 та мурожаатчининг мудоаоси улар ишлайдиган корхоналарнинг раҳбарлари билан келишган ҳолда тўлиқ қаноатлантирилди.

Нормурод МУСОМОВ  
«ISHONCH»

**Андижон вилояти**

## ИСТИҚБОЛГА ИШОНЧ ТУЙҒУСИ

Насибохон Аҳранқулованинг турмуш ўртоғи бевақт вафот этди. Рўзғор ташвиши бошига тушгач, 11 ёшли фарзандини оқ ювиб, оқ тараб бировлардан кам бўлмаслигини йўлаб, тадбиркорлик билан шуғулланишга қарор қилди.

Хар қандай режа маблағсиз ўрнидан жилмаслиги кундай равшан. У Марҳамат тумани оила ва хотин-қизлар бўлимига кредит сўраб борди. Турмуш шароитлари ўрганилиб, 5 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бу орада қисқа муддатли ўқув курсларида олган билимлари тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда асқотди. Тезда буюртма асосида маҳсус кийим-бош тикишни йўлга қўйди. Маҳсулотнинг сифати юқорилиги ва нархи арзонлиги туфайли буюртмачилар сони кўпайди.

– Субсидия асосида 2 та тикув машинасининг берилиши эса ишимни янада ривожлантирди, – дейди ишбилармон аёл. – Маҳалламиздаги 3 нафар аёлни ишга жалб этдим. Ишонанинг яқинлиги ҳам уларга қулайлик туғдирди, ойлликлари ҳам бийойидай.

Айни вақтда туманда «Аёллар дафтари»даги 309 нафар тадбиркорлик истагида бўлган

хотин-қиз қисқа муддатли ўқув марказида ўқитилиб, асалари-чилик, чеварчилик ва бошқа йўналишларда фаолиятларини бошлаган.

Андижон вилояти миқёсида ушбу йўналишда «Аёллар дафтари»га киритилган эҳтиёжманд 9 минг 453 нафар хотин-қизнинг эртанги кунга бўлган ишончи ортгандан ортиб бораётир. Тижорат банклари худудий филиаллари томонидан 6 мингдан зиёдаги 42 миллиард сўмдан ортиқ миқдорда кредит ажратилди.

Хонадон бекаси томорқадан унумли фойдаланса, рўзғорига барака кириб, тўкинчилик бўлади. Ушбу мақсадда 388 нафар хотин-қизга моддий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, уларнинг 300 нафардан зиёди 10 йилга ижарага берилган экин майдонлари молиявий кўмак натижасида деҳқончиликни йўлга қўйишди. 65 нафарига ихчам иссиқхоналар қуриб берилди, 14 нафари парранда-

чилик ва 9 нафари чорвачилик йўналишларида машғул. Қолаверса, «Аёллар дафтари»га киритилган 31 нафарнинг «Томорқа хизмати» корхоналари ва кластерлари ҳамда тадбиркорлар орқали бандлиги таъминланди.

Анваржон ҲАЛИМОВ  
«ISHONCH»



**Тошкент вилояти**



## Фаолиққа рағбат

Қибрай туманида «Йил аёли» ва «Гендер тенглик фаоли» миллий танловларининг туман босқичида ғолиблар аниқланди.

Унда 50 нафар фаол хотин-қиз иштирок этди. Қатнашчилар ўз фаолияти, тилларни ўзлаштириш даражаси, жамиятда тутган ўрни, фаоллиги, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлардан хабардорлиги ва уларни амалиётда қўллаб-қувватлаш ҳамда ташаббускорлиги каби мезонлар асосида 10 та йўналиш бўйича баҳоланди.

– Ушбу тадбир баҳонасида ўзимизнинг билим ва малакамизга яна бир бор назар ташладиқ, – дейди «Ўз касбининг устаси бўлган йил аёли» йўналиши ғолиби, «Ботаника санаторийси» МЧЖ кутубхоначиси Севара Эшонқулова. – Танловдан олган хулосамиз шуки, янада ғайрат билан ишлашимиз керак.

Ғолиблар танловнинг вилоят босқичига йўланма олишди.

Чарос ОРИПОВА,  
Қибрай туманидаги 3-мактаб тарғиботчиси

**Самарқанд вилояти**

Яқинлашиб келаётган Ўзбекистон касаба уюшмалари кўни муносабати билан Самарқанд шаҳридаги «Ишга марҳамат» мономарказида учрашув уюштирилди.

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Суҳроб Рафиқов, шаҳардаги «Дарғом», «Маданият», «Нурафшон», «Нурли келажак»,

«Чорбоғ» ҳамда «Шукрона» маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоллари, ёшлар етакчилари ҳамда «Ишга марҳамат» мономаркази ходимлари иштирок этди.

Тадбирда инсон қадрини улуғлаш тамойили асосида амалга оширилаётган иқтисодий-сиёсий, ижтимоий ҳамда маънавий соҳаларда олиб бо-

раётган кенг қўламли ислохотлар ҳусусида сўз юритилди. Жамоат ташкилоти бўлмиш касаба уюшмалари томонидан ишчи-ҳодимларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар, кексалар ва ёшларга кўрсатилаётган кўмак ҳусусида атрофлича фикрлашилди. Жамиятда аёллар мавқеини оширишга қаратилган чора-тадбирлар, уларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал

этишда касаба уюшмалари назоратида бўлган «Аёллар дафтари» юритилишига мулоҳазалар билдирилди. Айни чоғда 3-босқич яқунлиги ва жорий йилнинг октябрь-декабрь ойларида «Аёллар дафтари»нинг 4-босқичи бошланиши муносабати билан вазифалар белгилаб олинди.

Нурилла ШАМСИЕВ  
«ISHONCH»

**Жиззах вилояти**

Мирзачўл тумани халқ таълими бўлими ва Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши ҳамкорлигида умумтаълим мактабларида «Ёш китобхон» танлови ўтказилди.



## МУТОЛААГА ҚИЗИҚИШ КАТТА

Ёзувчи, шоир ва мутафаккирларнинг адабий меросини, ибратли ҳаёт йўли ва ижтимоий фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, тарғиб қилиш, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, китоб ўқишга бўлган қизиқиш ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашни мақсад қилган танловга ёшлар катта қизиқиш билан қатнашди.

– Ёшларни билимли, зукко қилиб тарбиялаб, ҳар жабҳада етуқликка етаклаш мамлакат ривожини учун қўйилган пойдевордир, – деди Таълим ва фан ходимлари касаба уюш-

маси Республика кенгаши раиси Равшан Бедиллов. – Ўғил-қизларимизнинг асарлар мазмун-моҳияти, ғояси ва аҳамиятини шарҳлашни, берилган саволларга ҳам бурро-бурро жавоб бераётганини кузатиб, келажакимиз ишончли қўлларда эканига яна бир бор амин бўлдим.

Танлов якуни бўйича ғолиб билимдонлар 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари кўни арафасида тақдирланади.

Мурод БЕКҚУЛОВ,  
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Мирзачўл тумани кенгаши раиси



**Қашқадарё вилояти**

## КИТОБСЕВАР ўқувчиларни кашф этиб...

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида умумтаълим мактабларининг 9-11-синф ўқувчилари ўртасида «Ёш китобхон» танлови асос солингани мутолаага қизиқадиган ёшлар учун айни муддао бўлди.



Қашқадарё вилоятида ҳам икки кун давомида кўлаб закиё китобсеварлар кашф қилинди. Масалан, Қарши шаҳридаги 5- ва 21-умумий ўрта таълим мактабларида ўтган танловда иштирокчилар дастлаб тавсия этилган адабиётлар, шунингдек, касаба уюшма фаолиятига оид тест саволларини ечишди. Иккинчи шартда эса улар тавсиявий рўйхати берилган адабиётлардан бирининг мазмун-моҳиятини, ғояси ва аҳамиятини шарҳлаб бердилар.

Ҳузур туманидаги ёш китобхонлар беллашуварларида эса 6000 нафардан ошқ ўқувчи ўз билимини синовдан ўтказди.

Муборак туманидаги 3-умумтаълим мактаби ўқувчилари ўртасидаги танлов ҳам эътиборимизни тортди. Чунки 28 нафар китобсевар орасидан

энг сараларини танлашда ҳакамларга осон бўлмади. Энг муҳими, ёшларимиз танлов баҳона ўқиш ва ўқинг энг муҳим ҳаётий зарурат эканига яна бир бор амин бўлишди.

– Қашқадарё вилоятидаги 1217 та умумий ўрта таълим мактабида туман кенгашлари раислари ва бошланғич ташкилотлардаги етакчилар «Ёш китобхон» танловини юқори савияда ўтказишга ҳаракат қилишди, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги масъул ташкилотчиси Шодмон Кубаев. – Бемалол айтиш мумкин, мазкур танлов минг-минглаб ўқувчиларнинг китобга дўст бўлишига хизмат қилди.

Акмал АБДИЕВ  
«ISHONCH»



Долзарб мавзу

# ЖИНОЯТ КЎЧАСИДАГИ АЁЛЛАР

УЛАРНИ БУ ЙЎЛДАН  
ОЛИБ ЧИҚИШИ МҲМКИН  
БЎЛГАН ЎНДАН ОРТИҚ  
ТАШКИЛОТ НИМА ИШ  
ҚИЛМОҚДА?

**Биринчи тақдир.** Зиёда (мақолада исмлар ўзгартирилган) оилада меҳр кўрмай ўсди. Онаси оламдан ўтгач, отаси бошқа аёлга уйланди. Ўгай она барибир ўғайлигига борди. Ур калтак, сур калтаклар бошланди. Таъна-дашномлар тинмай ёғилди. Барча-барчаси жонидан ўтиб, уйга икки-уч кунлаб келмай, кўча-кўйда дайдиб юрадиган одат чиқарди.

Йиллар ўтиб, қисмати ўзиникига ўхшаш бўлган йигитга кўнгул кўйди. Аммо муносабатлари узоққа чўзилмади. Фарзанди билан кўчада қолди.

Ўзи меҳр кўрмаган бошқага ҳам меҳр беролмайди: Зиёда ўз боласини сотаётган вақт кўлга тушди. Одам савдоси билан шуғулланишда айбланиб, терговга тортилди...

**Факт.** Таассуфки, бугун шу каби воқеаларга интернет сайтлари, телевидение хабарлари ва ижтимоий тармоқларда тез-тез кўзимиз тушмоқда. Энг ачинарлиси, бундай хабарларни оддий ҳолдек қабул қилишга ҳам кўникиб қолдик.

**Маълумот.** 2021 йилда ишсиз аёллар ўртасида жиноятчилик 1,7 бараварга, 18-30 ёшдаги хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлар эса 2 бараварга кўпайган. Жорий йилнинг етти ойида мазкур кўрсаткич 7,6 фоизга етган. Содир этилаётган жиноятларда, айниқса, фирибарлик ва безорилик жиноятининг салмоғи юқори бўлиб, ҳар бешинчиси фирибарлик ҳисобланади.

**Факт.** Мутахассисларнинг фикрича, бу каби жиноятларнинг келиб чиқишининг асосий сабаби эътиборсизлик, меҳрсизлик, оиладаги носоғлом муҳит, таълим-тарбиянинг сустлиги каби омиллар...

**Иккинчи тақдир.** Маржонанинг ҳам саёқ юришига носоғлом муҳит сабаб бўлган. Болаликдан ибодат ва нафосат каби пок туйғулардан бегона бўлиб ўсди. Фирибарликни касб қилди. Охир-оқибат Жиноят кодексининг 169-моддаси билан жазога тортилди.

– Ўзимга таниш аёлнинг буюмларини ўғирладим ва қўлга тушдим, – дейди у. – Бундан аввал ҳам бир неча бор майда ўғирлик қилганман. Лекин қачондир тақдирим шундай бўлиши ҳақида сира ўйлаб кўрмаган эканман. Болаликдан ўғил болалар билан ўйнаб катта бўлдим. Характерим оғир эди. Кўпчилик билан чиқиша олмасдим. Айниқса, ота-онам ажрашгач, ҳеч ким мени тергамасди. Тўғриси, фарзанд бўлиб, на отамга, на онамга керак бўлганман. Ҳеч бири мени суйиб эркаламаган. Маҳалла-кўйда ҳам бировнинг мен билан иши бўлмаган. Мени кўча тарбиялаган. Бу билан уларни айблamoқчи эмасман. Лекин ўша вақтларда кимдир мени тўғри йўлга қайтарганда эди, балки бугун ҳаётим бошқача бўлармиди?..

**Мушоҳада.** Эътибор бердингизми? Маржона атрофдан нажот кутмоқда. Авваллари бир болага етти маҳалла ота-она саналган. Ёшлар ўзидан каттанинг гапини кўлоғига илган. Нуронийлар маҳалладаги қайсидир боланинг нотўғри оёқ олишини сезиб қолса, тартибга чақирган. Ота-онасига танбех берган...

Ҳозир-чи? Аччиқ бўлса-да, ҳақиқат шуки, бугун биров билан бировнинг иши йўқ. Ҳамма ўзи билан ўзи овора.

**Учинчи тақдир.** Диёра муқаддам бир неча маротаба судланган бўлишига қарамай, тўғри хулоса чиқармади. Ўттиз ёшда бўлган бу аёл жамият қоидаларини менсимасди. Кўни-қўшнилари билан жанжаллашиб, безорилик содир этгани учун Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми билан жазога тортилди.

**Мушоҳада.** Афсуски, жиноятларнинг олдини олишда маҳалла фаоллари, жамоатчилик, нуронийларнинг ўрни ва таъсири деярли сезилмаяпти. Гапининг очигини айтганда, содир этилаётган жиноятларда хотин-қизлар ҳиссасининг ортиб бораётгани маҳаллаларда аёллар билан олиб борилиши керак бўлган манзилли ишлар талабга жавоб бермаётганидан далолат.

**Маълумот.** Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси маълумотларига таянган бўлсак, ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари томонидан ошловий низо, кўни-қўшни ўртасидаги жанжал, бола тарбияси билан шуғулланмаётган ота-она ва бошқа масалалар бўйича 9 мингдан ортиқ ҳужжат ўрғанилган. Натижанда тўрт мингдан ортиқ оиладаги нотинчликларга барҳам берилган, икки мингдан ортиқ ёш оила сақлаб қолинган. Мажбуриятини бажармаётган 11 минг нафарга яқин ота-она ҳокимликлар ва идораларга комиссияларда муҳокама қилиниб, уларга ижтимоий, психологик, ҳуқуқий тушултиришлар берилган. 24 минг нафардан ортиқ вояга етмаган шахс ички ишлар органларининг ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида жойлаштирилиб, улар билан яқин тартибда профилактик тадбирлар ташкил этилган. Шунингдек, тарбияси оғир, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил 109 нафар бола Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасасига, 101 нафар қиз Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилган.

«Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган, Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматида «1259» қисқа рақамли «Ишонч маркази» ишга тушди. 2022 йилнинг тўққиз ой давомида марказга 8 минг 74 нафар хотин-қиз мурожаат қилган.

Зўравонлик ва таълимга учраган 37 минг 959 нафар хотин-қизга «Ҳимоя ордери» берилган. «Ҳимоя ордери» берилган 18 минг 839 та оила яраштирилган. Яна 16 минг 298 та оиладаги низоли ҳолатлар бартараф этилган.

**Тўртинчи тақдир.** Ҳаммамиз эшитиб, даҳшатга тушган ўша воқеа. Яқинда Сирдарё вилоятида эркак хотинини ғишт билан уриб ўлдирди.

Мирзаобод тумани оила ва хотин-қизлар бўлимининг маълум қилишича, мазкур оила аввалдан низоли оилалар рўйхатида бўлиб, 17 октябрь куни аёлга «Ҳимоя ордери» берилган. Айнан шу куни ИИБ ходимлари марҳумнинг турмуш ўртоғи билан тушунтириш ишлари олиб боришган. Орадан бир кун ўтиб эса ушбу жиноят содир этилган.


**Мушоҳада.** Мана шу мисолнинг ўзи ошловий низоларни ҳал этишда шошма-шошарликка йўл қўяётганимизни, «Ҳимоя ордери» ҳамма вақт ҳам ўз эгасини ҳимоя қила олмаётганини кўрсатиб қўймоқда.

Хўш, шундай экан, «фалонча хотин-қизнинг ҳуқуқини тикладик, фалонча аёлга «Ҳимоя ордери» бердик, шунча оилани сақлаб қолдик», деб ҳисобот тўлдиришимиздан не наф?! Бу фожеалар айнан баландпарвоз ҳисоботларнинг «меваси» эмасмикан? Аслида бу борада етти ўлчаб, бир кесишимиз керак!

Хулоса ўрнида айтмоқчи бўлганимиз шуки, бугун аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, улар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш учун курашадиган ўндан ортиқ ташкилот бор. Лекин сони бор, сифати ҳаминқадар бу идораларнинг ўрни ҳар доим ҳам сезилаётгани йўқ. Улар «муҳим тадбир»лару ҳисоботлар билан банд.

Токи жиноят кўчасида адашиб юрган, қотиллик қурбони бўлган аёллар, етим қолган норасидалар сони кескин камаймас экан, шу йўналишда «жавлон» ураётган мутасаддиларнинг хотиржам юришига ҳаққи йўқ!

Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ  
«ISHONCH»



## «Ishonch»га жавоб берадилар...



Жиззах  
вилояти

## Мавҳумликдан ким манфаатдор?

«Ishonch» газетасининг 2022 йил 10 сентябрдаги сониди «Обихаётсиз қишлоқ» сарлавҳали мақола эълон қилиниб, унда Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани «Халқобод» маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги Осиё қишлоғидаги муаммолар акс этган эди.

Мақолага Шароф Рашидов тумани ҳокимлиги ўз муносабатини билдирди. Қуйида уни келтирамыз:

### ТАКЛИФ БЕРИЛАДИ

...Мақолада кўтарилган масала туман ҳокимлиги ва «Жиззах сув таъминоти» МЧЖ филиали ҳамда туман ободонлаштириш бошқармаси мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди.

«Халқобод» маҳалласига ичимлик сув тармоғи тортиш ва сув иншоотларини қайта реконструкция қилиш ишлари 2018 йилда «Манзилли дастур»га ва 2020 йилда «Инвестиция» дастурига киритилган бўлса-да, қурилиш ишларига республика ва маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилмагани боис амалга оширилмагани, 2021 йилда «Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг бюджет маблағлари ҳисобидан 2022 йилда амалга оширилиши назарда тутилган қурилиш ва таъмирлаш объектиларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги 130-сонли раёсат баёнида ичимлик сув таъминоти оғир ҳудудлар танлаб олиниб, ушбу баёнда «Халқобод» МФЙ ҳам киритилгани, лекин 2022 йил 22 январьдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ 98-сонли қарориди Шароф Рашидов туманидаги маҳаллалар молиялаштирилмай қолгани учун Шароф Рашидов тумани ҳокимлиги томонидан 2022 йил 10 август куни 01/460-сонли хат орқали Жиззах вилояти ҳокимлигига ушбу қарорда молиялаштириш кўрсатилмай қолган ҳудудларни «Инвестиция» давлат дастури асосида қўшимча равишда амалга оширишда амалий ёрдам сўралгани, «Халқобод» маҳалласидаги ички кўчаларни таъмирлаш ишлари мутахассислар иштирокида ўрганилиб чиқилгани ва цемент-бетон қопламали йўл қурилишига таклиф берилиши, электр энергия, табиий газ таъминотини яхшилаш бўйича 2023 йил «Манзилли дастур» асосида таклиф берилиши маълум қилинади.

Шароф Рашидов  
тумани ҳокими

М.Холбўтаев

**ТАҲРИРИЯТДАН:** Ўзингиз кўриб турибсизки, муносабат «оригинал» – таърифлашга тил ожиз. Ундаги имло хатоларни-ку бир амаллаб тузатдик, аммо маъно-мазмунига келганда... Очиги, мана шу хат ҳокимликда қандай «саводли» мутахассислар ишлаётганини яққол кўрсатиб турибди.

Мазкур мақолага Жиззах вилояти автомобиль йўллари бош бошқармасининг жавоби эса қуйидагича бўлди:

### БУ БИЗГА ТЕГИШЛИ ЭМАС

«Обихаётсиз қишлоқ» сарлавҳали мақола бошқарма мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида ушбу ички йўллар Жиззах вилояти Ш.Рашидов тумани ободонлаштириш бошқармаси ҳисобидаги ички ҳужжатлик йўли экани маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПҚ 2776-сонли қарорининг 3-бандида «шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчаларини сақлаш, ободонлаштириш ва ёритиш ишлари тегишли шаҳар ва туман ҳокимлигининг ободонлаштириш бошқармалари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади», деб кўрсатилган.

Шу сабабли, мазкур мурожаат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси йўл ҳўжалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ 5890-сонли фармонида кўра, Ш.Рашидов тумани ҳокимлиги ҳамда туман ободонлаштириш бўлими ва маҳалла томонидан бошқичма-бошқич амалга оширилишини маълум қиламыз.

Шунингдек, Сиз Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 445-сон билан рўйхатга олинган Қонунининг 33-моддасига асосан мазкур жавоб хатидан норози бўлган тақдирда юқори турувчи идораларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканингизни билдирамыз.

Жиззах вилояти  
автомобиль йўллари  
бош бошқармаси  
бошлиғи

Ҳ.Раҳматов

# Қурт тушган олмалар

**Биринчи воқеа.** Бундан қарийб 40 йиллар илгари ҳовлимизда икки тул эр-тапишар олма бўларди. Улар ҳар йили шохлари эгилиб яхши ҳосил берар, таъми ҳам жуда мазали эди. Раҳматли отам бу олмаларни меҳр билан парварши қиларди.

Аммо кўпинча бир ҳолатдан ҳайрон қолардик. У киши қурт еб тағига тушган меваларни териб олиб ўзи ер, бизларга ҳам берарди. Отамдан нимага айнан қурт тушган олмаларни ейсиз, деб сўраганимда у киши: «Олманинг энг пишгани, сараси ва энг мазалисини қурт ейди-да», деб жавоб берарди.

Отамга қуртлар, ҳашаротларга қарши дори сепсангиз бўлмайди, десак, у киши «йўқ, дорининг бир томондан фойдаси бўлса, иккинчи томондан, албатта, зарари ҳам бўлади» дерди.

**Иккинчи воқеа.** Икки ҳовли наридаги қўшимиз – ёш ота-онанинг бир-бирига қариндошлиги йўқ, эр ичмайди, чекмайди, аёлининг ҳам саломатлиги жойида.

Аммо негадир оилада туғилган бола ногирон, товонларини яхши боса олмайдди. Уни текширган маҳаллий шифокорларнинг ақсарияти бу ҳолатнинг сабабларини аниқ айтиб бера олмади. Бирови у дейди, бирови бу.

Муаммага Олмонидан келган танлики шифокор ойдинлик киритди. Унинг айтишича, боланинг отаси ёки онаси фарзанд ҳали дунёга келмасдан олдин дориланган мева истеъмол қилган ва бундай ҳолатлар сўнгги йилларда кўпайиб учраётган экан.

**Учинчи воқеа.** Туман шифохонасига «Тез ёрдам» машинасида ўрта ёшли эркакни олиб келишди. Шифокорнинг айтишича, у тарвуздан заҳарланибди.

– Ҳар йили ёз, пишиқчилик мавсуми бошлангани билан бунақа ҳолатлар кўпайди, – дейди қабул бўлими шифокори. – Айниқса, апрель ойидаёқ бозорларга чиққан тарвузлардан эҳтиёт бўлган яхши. Чунки уларнинг ақсарияти иссиқхоналарда турли кимёвий ўғитлар ёрдамида етиштирилади.

## «ФАҚАТ ТАБИЙ ОЗУҚА БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ-ДА...»

Зийрак ўқувчи юқоридаги воқеаларни боғлаб турган асосий мантиқни, яъни гап нимага бориб тақалаётганини сезди, чамаси.

Ҳа, бугун истеъмол қилаётганимиз мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мол, парранда, балиқ гўштининг ақсариятида турли кимёвий воситалар борлиги аён ҳақиқат. Фикримизни мисоллар билан далиллашга ҳаракат қиламиз.

Кейинги йилларда интенсив боғ яратиш, олманинг турли навларини четдан келтириб, уларни маҳаллаштиришга эътибор кучайди. Тўғри, бу олмаларни кўрсангиз кўзингиз кувнайдди. Чиройли, мазали, бозорбоб, харидорғир, касалликка чидамли, рақобатбардош ва ҳоказо...



Аммо бу мева-ларга пласт-масс қувурчаларда сувга қўшиб томчилаб берилётган кимёвий ўғитларни ҳеч қўрганмисиз? Агар қўрмаган бўлсангиз, эринмасдан бир бориб томоша қилинг!



зарарли моддалар билан ифлосланмоқда. Улкан завод ва саноат корхоналаридан кул, тутун, чанг, зарарли газлар, металллар, мис, қўроғош, рух, темир, молибден ва бошқа рангли металлларнинг атмосферага ташланиши ҳавони, тупроқни, сув ҳавзаларини зарарламоқда.

Атроф-муҳит пестицидлар, минерал ўғит ва бошқа кимёвий моддалар билан ифлосланмоқда, саноат корхоналаридан чиқётган чиқинди сувларининг чала ярим тозаланиб дарё сувларига ташланиши, атроф-муҳитнинг зарарланиши инсоннинг сийҳат-саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам XXI асда атроф-муҳитни, яъни табиий муҳитни, табиатни асраш ва муҳофазат қилиш дунё миқёсида энг долзарб масалага айланмоқда.

**ИНСОН КАМИДА 120 ЙИЛ ЯШАШИ МУМКИН, АГАРДА...**

– Дарахтзорларга сепиладиган тонна-лаб заҳарли моддалар ҳавога тарқалишдан ташқари, уларнинг маълум миқдори сабзавот ва меваларга ўтади, ҳашаротларни ўлдирди, – дейди 85 ёшида ҳам йигитлардек навқирон кўринган Пол Брегг. – Заҳарланган мева ва сабзавот истеъмол қилинганда бош оғриғи ва қайт қилиш аломатлари пайдо бўлади, химикатлар мева ва сабзавот қайнатилганда ҳам кетмайди. Лекин ҳар бир инсон маълум гигиеник ва парҳез ҳолатларга риоя қилган ҳолда ўз умрини узайтириши мумкин. У ўз танаси ҳақида қайғурсин, чунки фақат соғлом инсонгина ватанга муносиб хизмат қила олади. Ишонманки, ҳар бир инсон камиди 120 йил яшаши мумкин, бунга фан ҳам тасдиқламоқда.

**1000 ДАН ОРТИҚ СИНТЕТИК ҚЎШИМЧЛАР...**

Олимларнинг фикрича, ҳозирги вақтда 1000 дан ортиқ турли-туман синтетик қў-

шимчалар истеъмол қилинадиган озуқаларга қўшилмоқдаки, улар кўпайиб янги касалликларни келтириб чиқармоқда.

Инсон организми алоҳида ҳужайралар йиғиндисидан иборат. Агар у истеъмол қилаётган озуқа ҳужайранинг ўсиши ва нормал ишлаши учун етарли бўлганида бу ҳужайра камиди 120 йил яшаши мумкин эди. Лекин инсон ўз ҳаёти давомида ифлос ҳаводан нафас олса, табиийки, бу ҳужайраларга салбий таъсир ўтказди, натижада ҳужайра касалланади ёки ўлади.

Инсон ўз озуқасини турли синтетик кимёвий маҳсулотлар билан аралаштириб еса, айниқса, бир маҳсулотда турли қўшимчалар бўлса, ҳужайраларга жуда ёмон таъсир қилади, ҳужайра ўз вазифасини чала бажаради ёки бутунлай бажара олмайдди. Ўзингиз ўйланг, организм қандай қилиб нормал ишласин, биз унга кетма-кет синтетик қўшимчалар бериб турсак?

## Таҳлил

### «ОИЛАМИЗДА КАСАЛЛАНИШ ҲОЛАТИ ЙЎҚ...»

Қўшраббот туманидаги тоғлар, адирлар бағрида жойлашган Ҳайтанбулоқ қишлоғида яшовчи Иноят Арқаевнинг фикрича, ҳозирги пайтда кимёвий воситалар аралашмаган мева, сабзавот, полиз, гўшт маҳсулотлари деярли қолмаган. Шунинг учун у киши ҳовлисидаги томорқада маҳсулотларни табиий равишда етиштириб, оила аъзоларига едиради. Балки шунинг учунми, улар орасида касалланиш ҳолати йўқ.

Тўғри, Иноят акада бор имконият бошқаларда бўлмаслиги мумкин. Аммо ҳар қандай шароитда ҳам ўз соғлигимизга бефарқ бўлмаслигимиз керак.

Яна бир бор таъкидламоқчимизки, мулоҳазаларимиз билан кимларнингдир қилаётган ишларини қоралашдан мутлақо йироқмиз. Шунчаки ҳозирда кўларимизни қамаштираётган танганинг орқа томонига ҳам бир қур назар солдик, холос. Қолаверса, кўпни кўрган кексаларнинг айнан қурт тушган олмаларни териб ейишида ҳам бир ҳикмат бўлса керак. Нима дедингиз, азиз замондош?

Ёр МУҲАММАД,  
журналист



**Ҳозирги даврда атроф-муҳитнинг ифлосланиши умумбашарий муаммолардан бири ҳисобланади. Ҳатто биз эътибор бермаган оддий нарсалар ҳам экологияга ўта жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, деярли барчамиз кунда-кунора оилавий ташвишлар билан бозорга, дўкон ёки дорихонага борамиз. Шу жараёнда харид қилган маҳсулотларимизни сотувчилар целлофан пакетларга солиб беришди. Уйимизга ёки ишхонамизга етиб келган, уларни кўпинча ҳар эҳтимолга қарши сақлаб қўямиз, яроқсизларини бошқа чиқиндиларга қўшиб ташлаб юборамиз.**

Орамизда кўча бўйлаб бораётганида нималарнидир еб-ичиб, шиша ва пластмасса идишларни ёки қоғоз ва полиэтилен пакетларини дуч келган жойга улоқтириб кетадиларлар ҳам кўп. Табиийки, бу нарсалар йўлларга ва ариқлар ичига тўшиб ёхуд дарахтлар шохига илиниб қолиб, хунук манзарани ҳосил қилади, одамларнинг эмин-эркин юришига ҳам маълум даражада халақит беради.

Энг ёмони, полиэтилен маҳсулотлар нефть ва газ хомашёсидан тайёрлангани туфайли карбонат ангидрид ва метан газлари, глобал иссиқ тезлашади. Қолаверса, унга солинган турли-туман озиқ-овқат маҳсулотлари инсон организмга салбий таъсир кўрсатади.

Шу заил целлофан пакетлар анча йиллардан буён атроф-муҳитга ва инсон саломатлигига жиддий хавф туғдириб келмоқда. Уларнинг зарари тўғрисида кўп айтилмоқда, кўп ёзилмоқда. Шунга қарамай, ҳозир дунё бўйича йилига 1 триллион донга целлофан пакет ишлаб чиқаришмоқда ва ҳар дақиқада 1 миллион сифатини таъкидлашларича, целлофан пакет чириши учун 450-500 йиллик вақт керак бўлади. Бу бутун дунё ахлини ташвишга соляпти. Турли давлатларда целлофан пакетлар ишлаб чиқаришни тақиқлаш ёки нархини қимматлаштиришга, уларнинг ўрнига қоғоз пакетлардан фойдаланишга ушбу муаммонинг ечимли сифатида қаралапти. Чунки, Озарбайжонда биологик тоза пакетлар ишлаб чиқарилапти. Унинг емирилиш жараёни нисбатан анча тез амалга ошади. Натижада инсон соғлиги ва экологияга ортиқча пугур етказмайди.

АҚШда целлофан пакетлар нархи аввалгига нисбатан қимматроқ – 5 цент қилиб белгиланган, уларни ишлатиш 60 фоизга камайди. Юртимизнинг айрим жойларида ҳам целлофан пакетларга пул тўлаш жорий этилгани мазкур муаммони, бир оз бўлса-да, камайтира бошлади. Аммо ақсарият ту-

ман-шаҳарларда улар ҳануз текинга берилмоқда.

Кейса авлодга яхши аёнки, бир неча йиллар бурун қўл юқларини олиб юриш учун ҳар хил сумка ёки қоғоз пакетлардан, табиий матолардан тикилган халта, ипдан тўқилган турхалталардан фойдаланардик. Уларнинг деярли барчасини такрор-такрор ишлатиш мумкин эди. Ҳозир ҳам айрим савдо шохобчаларида қоғоз пакетларни кўрамиз, бироқ уларнинг нархи целлофан пакетларникидан тўрт баравар қиммат, аникроғи, 1200 сўм. Биз пойтахтлик бир неча харидор билан шу хусусда суҳбатлашганимизда, ақсарияти арзонлиги учун целлофан пакетдан фойдаланишни, айримлари унинг зарарли жиҳатларини билмаслигини айтди.

Бу йил ёзда ҳаво кескин равишда исиб кетгани, бир неча бор чанг бўронлари кузатилганидан ҳаммамиз азият чекдик. Биз бундан тўғри сабоқ чиқариб олишимиз, атроф-муҳитга зарар етказётган ҳар қандай нохуш ҳолатларни бартафат этиш чораларни кўришаси чикинди сифатида ташлаб юборилмоқда. Уларнинг атиги юздан бир физи қайта ишланмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, целлофан пакет чириши учун 450-500 йиллик вақт керак бўлади. Бу бутун дунё ахлини ташвишга соляпти. Турли давлатларда целлофан пакетлар ишлаб чиқаришни тақиқлаш ёки нархини қимматлаштиришга, уларнинг ўрнига қоғоз пакетлардан фойдаланишга ушбу муаммонинг ечимли сифатида қаралапти. Чунки, Озарбайжонда биологик тоза пакетлар ишлаб чиқарилапти. Унинг емирилиш жараёни нисбатан анча тез амалга ошади. Натижада инсон соғлиги ва экологияга ортиқча пугур етказмайди.

АҚШда целлофан пакетлар нархи аввалгига нисбатан қимматроқ – 5 цент қилиб белгиланган, уларни ишлатиш 60 фоизга камайди. Юртимизнинг айрим жойларида ҳам целлофан пакетларга пул тўлаш жорий этилгани мазкур муаммони, бир оз бўлса-да, камайтира бошлади. Аммо ақсарият ту-

Диёра РАВШАНОВА  
«ISHONCH»

## Таклиф

# ХИЗМАТ КИЙИМИ ХОДИМГА САЛОБАТ БАҒИШЛАСИН...

**«Ўрикзор» бозорига бораётганим. Йўлни кесиб ўтаётганимда «Тоза ҳудуд» корхонаси иш-чиси йўл-патруль хизмати ходимлари хизмат чоғи фойдаланадиган таёқчани қўлига олволиб, автомобиллар ҳаракатини бошқараётганига кўзим тушиб ажабландим. Ҳаёлимдан «У нега бу ерда турибди?» деган фикр ўтди.**

Орадан кўп ўтмай бошқа бир ҳудудда ҳам худди шундай ҳолатга дуч келиб, ҳайратим янада ошди. – Анави йигит кўчанинг қоқ ўртасида нимага қилипти? – деб сўрадим ўзим кетаётган енгил автомобиль ҳайдовчисидан.

– Ишлапти, – деди у бафуржа оҳангда. Ортидан қўшимча қилди. – «ГАИшник» бўлгани учун кўчанинг ўртасида ҳам вазифасини бажаради-да.

– Ие, бу ИПХ ходимими? – дедим у тилимни тишлаганча жим бўлиб қолдим.

Очигини айтсам, бу тизим ходимларининг формаси ўзгарганидан хабарим йўқ эди. Шу боис уйга келиб, интернетни тиклашга киришдим. Пировадда Куп.уз сайти 2020 йил 12 февралда ёритган «Бугундан бошлаб Тошкент шаҳрининг турли нукталарида ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси Йўл-патруль хизмати ходимларининг янги формаси таърифи тарихидаги синовдан ўтказилмоқда» деган хабарни топдим.

Бошқа бир манбада 2021 йил 22 сентябрда ёзилган «ИИВнинг 335-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ИПХ ходимлари учун янги форма тасдиқланди. Янги намунадаги кийим-бош фақат Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ИПХ ходимларига берилди» жумлаларини ўқидим. Хабарга суратлар ҳам илова қилинган. Ажабланирлики, ходимларга киши форма кийгизилиб ва ҳар тарафдан суратга туширилиб, интернетга жойлаштирилган. Ўзги форма маникенга кийдирилиб тасвирга олинган атиги биттагина суратда акс этганди. Одам кийганининг фақат белги тақилган қўррак қисми кўрсатилган.

Бу кийимларнинг қишқисли маълумроқдай кўринди. Аммо ёзгисининг ранги ва дивайи ҳам бир аҳвол. Узунқўлқоқ гапларга қараганда, унинг сифати ҳам талабга жавоб бермайди. У ҳаво ўтказмайдиган матодан тикилган. Бизнинг иқлимимиз эса ўзингизга маълум. Айниқса, ёзда ҳаво жуда исиб кетади. Бундай шароитда ушбу либосдаги ИПХ ходимларининг аҳолини тасаввур қилиш қийин эмас. Мен хунук ва бесўнақай кийимдаги бу кишиларнинг ўрнига ўзимни қўйиб кўрдим...

Бунок модельер Коко Шанель «Биринчи таассурот қолдириш учун иккинчи марта имконият берилмайди», деган эди. Бас, шундай экан, ИПХ ходимларининг бу формасини яна янгилаш керак. Биз унинг маҳаллий иқлимимизга мос, очикроқ рангли пахта матосидан тайёрланишини ва ходимга салобат бағишлайдиган бичимда бўлишини истаимиз.

Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА  
«ISHONCH»

## МУАССИС:



«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini taхрир қилган:

Қудратилла РАФИҚОВ  
(тахрир хайъати раиси),  
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,  
Анвар АБДУМУХТОРОВ,  
Сайфулло АҲМЕДОВ,  
Акмал САИДОВ,  
Равшан БЕДИЛОВ,  
Қутлимурот СОБИРОВ,  
Сухроб РАФИҚОВ,  
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,  
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,  
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,  
Анвар ҚУЛМУРОДОВ  
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),

Меҳридин ШУКУРОВ  
(Масъул котиб – «Ishonch»),  
Валентина МАРЦЕНЯК  
(Масъул котиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир  
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**  
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69  
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz  
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқликлар, тақдирли, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23  
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24  
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34  
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02  
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28  
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26  
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32  
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24  
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

А. Абдураҳмонов  
Мусаҳҳиллар:  
Д. Худойберганава,  
Д. Рашиданова  
Саҳифаловчи:  
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 23:40  
Топширилди – 00:10

Газета офсет усулида,  
А-2 форматда босилди.  
Ҳажми 2 босма табақ.  
Бунортма Г-1106  
31232 нусхада босилди.  
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз:  
100165, Тошкент шаҳри,  
Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмасида чоп этилди.

Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисобрақами:  
2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «Ipoteka bank»  
Яшнобод филиали,  
Банк коди: 00959,  
СТИР: 201133889,  
ОКЭД: 58130

## Эълон

2017 йил 12 февралда Бухоро вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси томонидан Фаёзуллоев Шаниёр Бахтиёр ўғли номига берилган ОҚ №2575599 рақамли ҳарбий гувоҳнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.